

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 183 (1509), 2025 йил 4 сентябрь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЗЧИЛ ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан
30 август – 3 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Пекин шаҳрига расмий ташриф доирасида 3 сентябрь кунини Тяньаньмэнь майдонида Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали ҳарбий парадда иштирок этди.

Тадбирда йигирмадан ортиқ давлат раҳбарлари ва вакиллари, жумладан, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Вьетнам, Миср ва бошқа давлатлар етакчилари ҳам қатнашди.

ХХР Раиси Си Цзиньпин ўз нутқида бугунги шароитда тарихий хотирани асраб-авайлаш, тинчликни сақлаш ва адолатни таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Парадда Хитой халқ озодлик армиясининг 45 та бўлинмаси иштирок этди. Хитой муҳофаа саноати томонидан ишлаб чиқарилган ракета тизимлари, танклар, авиация техникаси ва учувчисиз учуш аппаратларининг энг сўнгги намуналари намойиш этилди.

Бундай парадлар 1949 йилдан буён Пекинда ўтказиб келинади, кулролли кучларнинг сўнгги катта кўриги эса 2019 йил 1 октябрда бўлиб ўтган ва унда 15 мингта яқин иштирокчи қатнашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Пекин шаҳридаги тантанали тадбирлардаги иштироки мамлакатимизнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, тинчлик, барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлида минтақавий ва глобал даражада конструктив мулоқотни ривожлантиришга қаратилган изчил ташқи сиёсатининг навбатдаги тасдиғи бўлди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди.

Давлатимиз раҳбари 31 август кунини рафиқаси билан бирга Тяньцзинь шаҳридаги “Мэйцзян” конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг расмий тадбирларида иштирок этди.

Бугунги замон турли зиддиятлар, низо ва беқарорликлар тўлқини билан кечмоқда. Бир жойда можаро, бошқа жойда иқтисодий таназзул, яна бир нуқтада терроризм ва хавфсизликка таҳдид кучайган.

Шундай мураккаб вазиятда халқлар ва давлатларни бирлаштириш, ишонч ва ҳамкорликни кучайтириш асримизнинг сиёсий кун тартибиде энг муҳим вазифага айланди.

Тяньцзинь шаҳрида 1 сентябрь кунини ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳамда “ШХТ плюс” саммити ва ундаги муҳокамалар бутун дунё эътиборида бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун долзарб ғоя ва таклифларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро вазият ҳукм сураётган шароитда ШХТ жаҳонда барқарор ва адолатли тартиботни таъминлашнинг мустаҳкам

таянчларидан биридир. Бунинг ўзиёқ ташкилотнинг стратегик ўрни ва истиқболлини кўрсатади.

2 сентябрь кунини Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан расмий делегациялар иштирокида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув якунида амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Шунингдек, Президентимиз Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашиб, икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари Хитой Бош вазири Ли Цян, хорижий делегациялар раҳбарлари ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ҳам самарали учрашувлар ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ: ҚИЗГИН ДАСТУР, МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Хорижий эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистон етакчисининг янги ташаббуслари ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга расмий ташрифи қизгин ва серқирра дастури билан ажралиб турадиган жорий сиёсий мавсумнинг энг муҳим воқеаларидан бирига айланди. Ўзбекистон етакчиси ташриф доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида, шунингдек, “ШХТ плюс” форматидеги йиғилишда иштирок этди, унда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокаралар ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама учрашувлар ҳам бундан кам аҳамият касб этмади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали ҳарбий парадда иштирок этгани ташрифга алоҳида рамзий маъно бахш этди.

Ташрифнинг барча йўналишлари бўйича самарали музокаралар олиб борилди, Тошкент ва Пекин ўртасидаги ишонч ва стратегик ҳамкорлик мустаҳкамланди.


Бўлиб ўтган тадбирлар натижалари, экспертлар таъкидлаганидек, ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни



ривожлантириш, Ўзбекистон — Хитой шериклигини кенгайтириш, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари етакчиларидан бири ва ШХТ доирасидаги жараёнларнинг фаол иштирокчиси, шунингдек, Хитойнинг ишончли ҳамкори бўлган шароитда ташриф натижалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, экспертлар ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда.

➤ **Давоми 2-бетда**



“ЯШИЛ” РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛИГА ЎТИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Яқинда ижтимоий тармоқларда АИ-80 бензинини биржа савдолари орқали сотиш тўхтатилгани ҳақида хабар тарқалди. “Ўзбекнефтегаз” АЖ хабарига кўра, аҳолининг бу махсулотга талабини қоплаш мақсадида АИ-92 русумидаги бензинни биржа савдоларига чиқариш ҳажми оширилди. Шу вақтга қадар минг тонна АИ-92 бензини савдоларга қўйилган бўлса, бутун бу кўрсаткич 1720 тоннани ташкил этмоқда. Ички бозор талабидан келиб чиқиб, мазкур миқдорни ошириш имконияти мавжуд.

Шу ўринда АИ-80 бензинидан нега воз кечилди деган савол туғилиши табиий. Мутахассислар АИ-80 маркали бензиннинг сифати халқаро стандартларга жавоб бермаслиги, ундан фойдаланётган техника воситалари атмосферага меъёридан ортиқ зарарли ташлама чиқараётганини таъкидлаб келади. Қолаверса, унинг автомобиллар техник ҳолатига

етказаетган зарари ҳам катта экани таъкидланади.

Ривожланган давлатлар ушбу бензин марказидан аллақачон воз кечган. Энди мамлакатимизда ҳам бу лойиҳа амалга оширилиши натижасида ҳавога чиқарилаётган зарарли газларни муайян миқдорда камайтиришга эришилади.

➤ **Давоми 2-бетда**

Янги тизим амалда


УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ МИЛЛИОНЛАБ ОИЛАЛАР ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ТАШАББУС

Мустақиллигимизнинг 34 йиллик байрами шуқуқи кеziб юрган шу кунларда, беихтиёр ортга бир назар ташлаймиз. “Нималарга эришдигу, нималарни бой бердик?”, мазмунидаги саволлар кўпчилигимизнинг кўнглимиздан кечиши табиий.

Сўнгги тўққиз йилда том маънода катта ўзгариш ва ислохотларга гувоҳ бўлдик. Ривожланиш эндиликда фақатгина пойтахтда, шаҳарларимиздагина эмас, олис қишлоқлар ва чекка овуллар манзарасида ҳам бўй кўрсатмоқда. Ислохотлар одамлар

турмуш тарзини том маънода ўзгартиришга, фаровон ва хотиржам ҳаёт кечиришлари учун амалга оширилаётганини яна бир бор эътироф этишни жоиз деб билдик.

➤ **Давоми 4-бетда**



Август сарҳисоби БҮЮК ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАТТА ЗАМИНИ ЁЗНИНГ СЎНГГИ ОЙИДАГИ ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОХОТЛАРГА БИР НАЗАР



Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузли тадбирлардаги иштироки, қўшни ва ривожланган мамлакатлар билан манфаатли, тенг ҳамкорлик алоқалари, соҳалардаги янгиланиш ва ўзгаришлар, истиқлол шодиданларини кўриб, 34 йил олдин айни шу паллаларда ўз мустақиллигини эълон қилган давлатнинг юксалган

қиефасини кўрасиз. Таъбир жоиз бўлса, бир пайтлар тетапоя қилган мамлакат бугун Учинчи Ренессанс сари шахдам одимлапти. Албатта, бу натижага Президентимизнинг ҳаётий ташаббуслари, оқилона сиёсати, азму шижоати, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, масъулларнинг сый-ҳаракати билан эришяпмиз.

“Бир дарахтдан бог бўлмас”, деганларидек, давлатлар ҳам ёлғиз ривожлана олмайди. Ўзбекистон тараққиётида ҳам халқаро ташкилотлар, қўшни давлатлар, қардош юртлар, ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, тенг имкониятларга асосланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, савдосотиқ алоқалари мустаҳкамланиб, кенгайиб бориши муҳим ўрин тутди. Шу боис, давлатимиз раҳбари халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади.

Август ойи бу борада салмоқли бўлди. Президентимиз 4-5 август кунлари БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси тадбирларида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Туркменистонга борди. Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган тадбирда ҳам иштирок этди.

➤ **Давоми 3-бетда**

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ: ҚИЗҒИН ДАСТУР, МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университетининг Осие тадқиқотлари маркази профессори, Испания Шарқшунослари уюмаси бош қотиби, туркшунос:



— Ташриф расмий Тошкент ва Пекин ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим воқеа бўлди. Хитой Раиси Си Цзиньпин билан бўлиб ўтган музокаралар икки давлат ўртасидаги ўзаро англашув ва стратегик ишончнинг юксак даражада эканлигини яққол кўрсатди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой билан ҳар томонлама стратегик шериклиқни чуқурлаштириш ва амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш тарафдори эканини намойиш этди. Мулоқот чоғида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини барқарор ривожланиш учун янги уфқларни очадиган “Бир макон, бир йўл” глобал ташаббуси билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташрифнинг алоҳида аҳамияти ҳамкорлиқнинг стратегик йўналишлари — иқтисодиёт ва инвестициядан тортиб, фан, таълим ва маданиятга бўлган икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланганида намоён бўлмоқда. Миллий тараққиёт стратегиясини “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан уйғунлаштириш бўйича ҳамкорлик дастури, маданият марказларини ўзаро ташкил этиш тўғрисидаги битим, тиббиёт, энергетика, транспорт, рақамли иқтисодиёт ва гуманитар алмашинув соҳаларидаги келишувлар шулар жумласидандир.

Иқтисодиёт, технология ва инвестиция соҳаларидаги келишувларга алоҳида эътибор

қаратилди. Мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш аллақачон 14 миллиард доллардан, инвестиция портфели эса 60 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан инновацион лойиҳалар, жумладан, электромобилларни биргаликда ишлаб чиқариш, “яшил” энергия ташаббусларини йўлга қўйиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш марказига айланмоқда.

Ўзбекистон Президенти инсонпарварлик соҳасида мамлакат манфаатларини изчил ҳимоя қилаётгани муҳим. Маданий марказлар ташкил этиш, таълим дастурларини кенгайтириш ва хитой тилини ўрганиш бўйича имзоланган шартномалар маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро макондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшма сўнгий интеллект марказини ташкил этиш ташаббуси унинг келажақ ҳақидаги стратегик қарашларини тасдиқлайди ҳамда Ўзбекистон етакчи технологик давлатлар орасидан муносиб ўрин эгаллайди.

Мазкур ташриф нафақат Ўзбекистон — Хитой алоқаларини янада мустаҳкамлаш, балки Президент Шавкат Мирзиёевнинг кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсати, Ўзбекистоннинг глобал жараёнлардаги фаол иштирокчини намойиш этиши билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Омид РАХИМЙИ, халқаро муносабатлар ва Марказий Осие минтақаси бўйича эксперт (Эрон):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 1 сентябрь кuni бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг

навбатдаги саммитидаги нутқи билан танишар эканман, давлатингиз раҳбарининг ШХТ-ни янада ривожлантиришга қаратилган ғоят муҳим ташаббусларига алоҳида эътибор қаратдим.

Халқаро сиёсий ва иқтисодий вазият ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари ШХТ доирасидаги асосий вазифаларга айлангани керак.

Ўзбекистон минтақа учун муҳим ташаббуслари билан икки асосий мақсадни кўзлаган. Улар иқтисодий хавфсизлик имкониятларини кенгайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Президенти халқаро муносабатлар тизимидаги туб ўзгаришлар, геосиёсий кескинлик ва можаролар авж олгани, глобал барқарорлик ҳамда барқарор ривожланиш учун янги хавф ва таҳдидлар юзга келгани, экология, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги соҳасидаги муаммолар кучайиб бораётганини қайд этди.

У, шунингдек, ШХТни изчил кенгайтириш, унинг мулоқот бўйича шериклари таркибига янги аъзоларни, жумладан, бошқа минтақа давлатларини қўшиш зарурлигини, бу ташкилотни “Глобал Жануб” мамлакатлари билан ҳамкорлик платформасига айлантиришга ёрдам беришини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида минтақавий интеграция, барқарор тараққиётга эришиш бўйича мақсадларни белгилаш каби муҳим глобал муаммоларга оид қарашлари Ўзбекистонни минтақанинг етакчи давлатига айлантирди.

Магди ЗАЙБАЛ, “Миср — Ўзбекистон” дўстлик ҳамжамияти раиси, профессор:

— Ўзбекистон Президентининг Хитойга расмий ташрифи ва ШХТ саммитида иштироки Мисрда барча даражада, расмий идоралардан тортиб, эксперт ва бизнес доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Қоҳирада “ШХТ плюс” формати мулоқот майдони сифатида қўллаб-қувватланмоқда, Тошкентнинг транспорт-логистикага оид ташаббуслари эса стратегик аҳамиятга эга деб баҳоланмоқда.

Кўп қутбилик ва глобал бошқарувни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ва Миср ташқи сиёсий йўналишларини яқинлаштиради.

Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари қаторида Хитой билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйгани, хавфсизликдан инвестицияларга прагматик ва проактив кун тартибини



илгари сураётгани туфайли, таҳлилчилар расмий Тошкентни минтақадаги энг фаол ва таъсирли куч сифатида баҳолайтир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқлари, айниқса, “яшил” энергетика ва инфраструктура соҳасидаги муваффақиятлари, нафақат кўш-ни давлатлар, балки Яқин Шарқ ва Шимолӣ Африка учун ҳам намуна сифатида эътироф этиляпти.

Умуман олганда, Миср таҳлил доиралари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга расмий ташрифини Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустаҳкамловчи, Марказий Осие-нинг “Глобал Жануб” архитектура-соҳасидаги ро-лини кучайтирувчи омил сифатида баҳоляпти. Шу сабабли ушбу ташриф Миср билан яқинла-шиш учун ҳам янги имкониятлар очмоқда.

Макс СЭЙ, “KSI Strategic Institute for Asia Pacific” тах-лил маркази ижрочи директори (Малайзия):



сурилган Осиенинг “суверен ўзаро боғлиқли-ги” концепцияси билан уйғундир. Марказий ва Жануби-Шарқий Осие ўртасидаги бундай “кўприк” логистика, энергетика ва юқори тех-нологиялар соҳасидаги янги лойиҳалар учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Цуан ЧЖУЯ, Хитойнинг “Nansha Economic Cooperation Association” ижрочи раиси:

— Ташриф ва у билан боғлиқ тадбирлар мамлакатнинг минтақавий интеграция жараён-ларидаги муҳим ўрни, кўп векторли ташқи сиё-сати мунтазамлигини яна бир бор намоён этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой раҳ-барияти, шунингдек, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувларда транспорт



соҳасида, жумладан, “Хитой — Қирғизис-тон — Ўзбекистон” лойиҳаси, қўшма ил-мий тадқиқотлар, “яшил” энергия, соғлиқни сақлаш, сўнгий интеллект, маданият, таълим, туризм соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкор-лиқни янада кенгайтириш истганини қайд этди.

Ишончим комилки, ушбу ташриф Ўзе-бекистонни ривожлантириш учун янада қулай ташқи муҳит яратди, ҳамкорлиқни чуқур-лаштириш, сармояларни жалб этиш, экспортни ривожлантириш учун майдонни кенгайтиради, шунингдек, мамлакатнинг халқаро ҳамжамият-даги ролини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон етакчиси томонидан ШХТ ва “ШХТ плюс” саммитларида илгари сурилган амалий ташаббусларни алоҳида таъкидлаб ўт-моқчиман ва уларнинг тез амалга оширилиши ташкилотнинг барча иштирокчиларига фойда-ли бўлади.

Менимча, ШХТнинг транспорт-транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш, Марказий Осие орқали ўтайдиган жанубий йўналишдаги йўлакларни ривожлантириш бўйича тақдирлар бутун минтақа учун ҳаётий аҳамиятга эга.

Гуандонг провинциясининг бизнес вакили сифатида мен Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш истиқбол-ларига ишонч билан қарайман.

“Дунё” АА



Бугуннинг гапи



Бошланиши 1-бетда

Ҳаво мусоффолиги ва экологик мувозанатни таъминлаш сўнгги йилларда тобора тез-тез тилга олинadиган мавзуга айланган бежиз эмас. Зеро, кейинги йилларда нафақат мамлакатимиз ёки минтақамиз, балки бутун сайёрамизда рўй бераётган глобал экологик муаммолар барқарор-ликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Бир-гина ҳавонинг ифлосланиши натижасида юзага келадиган турли касалликлар оқи-батиди минглаб инсонлар ҳаётдан эрта кўз юммоқда. Бунинг олдини олишнинг муҳим йўли — экологик жиҳатдан соф, табиатга безарар технологиялардан фой-даланиш, табиий незматларни асл ҳоли-ча асраш, экологик мувозанатни таъмин-лашдир.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади айнан ана шундай муҳим тамойил — эко-логик барқарорлиқни таъминлаш, иқтисо-дий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишга йўналтирилган. Ана шу устувор мақсад ва режаларни рўёбга чиқариш учун энергетика манбаларини диверсификация қилиш, уларнинг мувозанатида углеводо-род улушини кескин камайтириш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар қилинмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисо-диёт йили” да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида бу ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Соҳадаги асосий йўналишлардан бири “яшил” энергетикадир. Келгуси беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улу-шини 54 фоизга етказиш режалаштирил-ган. Бу иссиқхона газлари чиқиндисини қарийб 16 миллион тоннага камайтириш имконини беради.

Энергетика вазирлиги маълумотиға кўра, бутун юртимизда умумий қуввати 4119 мегаватт бўлган 11 та қуёш ва 4 та

шамол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда. Июлда мазкур стан-циялар 1 миллиард 246 миллион кило-ватт-соат электр энергия ишлаб чиқаргани мамлакатимиз энергетика тизими учун янги рекорд кўрсаткичдир. Натижада 377,5 миллион куб метр табиий газ тежаланишга эришилди. Атмосферага 1 миллион 120 минг тонна зарарли газ чиқишининг олди олинди.

Бундай ижобий натижалар қувонар-ли, албатта. Аммо ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар ҳам талайгина. Хусу-сан, сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида тез-тез рўй бераётган чанг-тўзон ҳодисаларидан аҳоли жиддий азият чекмоқда. Табиийки, бу жараёнда фақат табиий омиллар таъсири билангина изохлаб бўлмайди. Бундай ҳолатлар юзага келишида инсон омилларининг ҳам ўрни бор.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бу муаммонинг сабабларини изохлар экан, яшил ҳудудлар камайиши, автотранспорт воситалари сонининг ортиб кетиши, қу-рилиш ишлари бетартиб бажарилаётга-ни, углеводородлар, жумладан, кўмир,

иссиқлик марказлари томонидан қўшимча ёқилғи сифатида мазутдан фойдаланиш ҳажми ошиши каби омиллар бунга сабаб бўлаётганини қайд этганди. Мамлака-тимизда экологик йўналишдаги дастур ва лойиҳаларни амалга татбиқ этишда бу муаммоларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратиляптир.

Президентимизнинг 2024 йил 24 сен-тябрдаги “Чанг бўронларига қарши ку-рашиш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўляптир. Ушбу ҳужжат асосида 2024-2030 йиллар-га мўлжалланган миллий дастур ишлаб чиқилиб, изчил ишланыпти. Бу жараёнда, хусусан, ҳаво мусоффолигига салбий таъ-сир этадиган омилларни бартараф этиш, табиий мувозанатни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотиға кўра, саноат корхоналаридан атмосферага ифлослантирувчи модда-лар ташланишини камайтириш борасида қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан,

жорий йилнинг ўтган даврида атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган I ва II тоифага мансуб 75 та саноат кор-хонасидаги чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилинди ва янги, юқори самарадорлари ўрнатилди.

Шунингдек, “Яшил макон” умуммил-лий лойиҳаси доирасида саноат корхона-лари ҳудуди ва туташ ҳудудларида “яшил белбоғ”лар барпо этиш мақсадида жорий йил баҳор мавсумида 6 миллион 128 минг туп дарaxт ва бута кўчати экилди. Бу эса яшиллик даражасини оширади, ҳаво сифа-тини яхшилаб, микроклимни шаклланти-ришга ҳисса қўшади. “Яшил белбоғ”лар барпо этиш ишлари куз мавсумида ҳам давом этириляпти.

Жорий йил 10 апрелдан 10 майгача “Тоза ҳаво ойлиги”нинг биринчи босқи-чи бўлиб ўтди. Тадбир давомида 251 минг 858 та автотранспорт воситаси чиқарган газнинг ифлослантирувчи моддалари миқ-дори махсус ускуналар ёрдамида экологик назоратдан ўтказилди. Натижада атмо-сферага 36,3 тонна ифлослантирувчи мод-да ташланишининг олди олинган. Ҳозир “Тоза ҳаво ойлиги”нинг иккинчи босқичи давом этмоқда.

— Инсоннинг соғлом ва узок умр ке-чирishi экологик барқарорликка боғлиқ. Шу боис, бугун экологик мувозанатни таъминлаш ҳаёт-мамонт масаласига ай-ланди. Жорий йилнинг мамлакатимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқти-содиёт йили деб эълон қилингани ке-лажақ авлодларнинг барқарор, хавфсиз ва фаровон яшашига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг яққол ифода-сидир, — дейди Сурхондарё вилояти эко-логия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Баҳодир ўрнов. — Бу борада Сурхон-дарё вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар қилиняпти. Хусусан “Яшил макон” лойи-ҳаси изчил амалга оширилиши натижаси-да яшил майдонлар кенгаймоқда. Ўтган йили куз ва бу йил баҳорда 16 миллион



туп кўчат экилди. Бу ниҳолларни сўғориш учун тизимлар яратилди. Экилган кўчат-лар “Яшил макон” платформасига жо-яланди. Саноат корхоналари модернизация қилиняпти. Жумладан, 67 та корхонанинг чанг тозалаш қурилмаси янгиланяпти.

Сурхондарёда тез-тез рўй берадиган афгон шамолли ҳам ҳаво ифлосланишига сабаб бўлади. Бунга қарши ихота ўрмон-лари барпо этиляпти. Қум барханлари кў-чишининг олдини олиш мақсадида сувсиз-ликка чидамли саксувул уруғи ва кўчати экилди. Жорий йил кузда бу ишлар давом этирилиб, минг гектардан кўпроқ ҳудуд-да саксувул, черкез екилади.

Термиз шаҳрида ҳам кенг қамровли экологик лойиҳалар амалга ошириляпти. Шаҳарда кўчат экиб, боғ барпо этиш ба-робарида ички сув тизимлари ҳам тор-тиляпти. Каналлар қазилиб, ёмғирлигиб сўғориш тизими яратилди. Натижада ил-гари шаҳарнинг яшиллик даражаси 10 фо-изга ҳам етмаган бўлса, бугунга келиб, 30 фоизга етди.

Бу хайрли ишлар экологик барқарор-ликка мустаҳкам пойдевор бўлиши ба-робарида халқимизнинг саломатлигини

ғоя, лойиҳа ва ихтиролари билан иштирок этди.

Шўрчи туманидаги мактаб ўқувчиси Фуркат Ҳазратқулов шулардан бири. У оммага тақдим этган янгича тизим чиқин-дини саралаб ташлаган фуқарони аниқлаб рабағлантиришга мослаштирилган. Ёш ихтирочи ўз лойиҳасини “Эко бонус” элек-трон платформаси деб номлаган. Аҳамият-лиси, Ф.Ҳазратқуловнинг бу изланишлари махсули бўлган ғояға вилот экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси мутахассислари қа-торида чиқиндини қайта ишлайдиган кор-хона вакиллари ҳам катта қизиқиш билди-риб, ҳамкорликда ишляпти.

Албатта, йигит-қизларнинг ёшликдан илмға интилиши, табиат муҳофазасига бел боғлаши қувонarli. Айни навқирон ёшда бошланган бу интилиш ва саъй-ҳа-ракатлар келгусида катта мақсадларга айла-ниб, инсониятни ўйлантираётган экологик муаммоларга оқилона ечим топишга турт-ки бўлса, ажаб эмас.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ўқиш учун QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Янги тизим амалда



УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ХУҚУҚИ

МИЛЛИОНЛАБ ОИЛАЛАР

ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ТАШАББУС

“Хар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётига энгиллик, фаровонлик, ижтимоий адолат тамойилларини олиб кирган бундай эзгуликка йўғрилган ислохотлар сирасига бевосита Президентимиз ташаббуси билан 2024 йилнинг 5 августиди қабул қилинган “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунини ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бойси, бу қонун юртимиздаги миллионлаб оилаларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита дахлдорлиги билан ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бошланиши 1-бетда

Масалан, прописка масаласининг таг-тути билан йўқ бўлиши ҳар бир Ўзбекистон фуқароси жонажон мамлакатимизнинг исталган ҳудудда эркин яшаши, ишлаши учун тенг шaroитларнинг таъминла-нишига хизмат қилмоқда. Ҳалол меҳнат эвазига ишлаб топган пулимизни маълум бир фоиэ эвазига нақдга айлантиришимиз ёки конвертациянинг айрим шахсларга-гина берилиши каби яқин ўтмишдаги адо-латсизликлар, олий таълимга киришдаги коррупцион схемалар янги давр одамлари учун бутун гўё бир тушга айланди. Де-моқчимизки, халқимизни қийнайдиган бу каби муаммоларга тизимли ечим топилди.

Ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётига энгиллик, фаровонлик, ижтимоий адолат та-моийилларини олиб кирган бундай эзгуликка йўғрилган ислохотлар сирасига бевосита Президентимиз ташаббуси билан 2024 йил-нинг 5 августиди қабул қилинган “Ўзбошим-чалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоот-ларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунини ҳам киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бойси, бу қонун юрти-миздаги миллионлаб оилаларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита дахлдорлиги билан ўта муҳим аҳамиятга эга.

Муҳбирларимиз ушбу қонун ижроси айна пайтда жойларда қандай таъминла-наётганини ўрганиб, оддий одамлар ва му-тасаддилар фикрлари билан қизиқди.

“Уйимни давлатнинг ўзи кадастр қилиб берди!”

Ҳаётда ҳар бир инсон ўзининг уй-жойи бўлишини, унга эгалик қилиш, сотиш, ав-лодларга мерос қолдириш, умуман, эркин тасарруф этишни хоҳлайди.

Мамлакатимизда уй-жойига эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизми мав-жуд бўлишига қарамасдан баъзи фуқаро-лар, асосан, қишлоқ жойларда ўзбошим-чалик билан якка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган.

Ўз-ўзидан ушбу ўзбошимчалик би-лан эгалланган ер участкалари ва у ерда қурилган иншоотларда расмий кадастр ҳужжати бўлмайди. Натижада ҳужжатсиз мулк эгалари ўз ерлари ва уй-жойлари-ни сотиш, мерос қилиш ёки кредит олиш учун гаровга қўйиш каби амалиётларда кўп муаммоларга дуч келиши табиий. Бу, ўз навбатида, аҳолининг турли идоралар-га мазкур кўчмас мулкларга нисбатан ка-дастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун амалий ёрдам сўраб кўп марта мурожаат қилишларига сабаб бўлаётган эди.

Худди шу масала Зарбдор тумани “Ади́робод” МФЙ Порлоқ йўл кўчасида истиқомат қилувчи Дилноза Андоровани ҳам кўп қийнади. Унинг эзгу ниятлар билан деворлари кўтарилган шинамгина ўз уйи бор, аммо бу уй ҳужжатларда қайд этилмаганди.

Дастлабки йиллардаги бепарволи-ги, кейинчалик кадастр ҳужжати тайёр-лашдаги қийинчилик ва муаммолар са-баб уйининг ҳужжати йўқ эди. Гарчи уни ҳеч ким уйининг кадастри йўқ экан деб безовта қилмаган бўлса ҳам, худди бирон нарсасини йўқотгандек, ўз уйида омонат тургандек ҳис қиларди. Аммо кадастр

ҳужжати тайёрлаш бўйича ҳаракатлари са-марасиз кетаётган бўлса ҳам, умиди сўн-маганди.

Дилноза Андоровадек овора бўлаётган минглаб, балки юз минглаб юртдошла-римизга юқорида номи келтирилган қо-нун туфайли имконият эшиклари очилди. Ушбу қонун нафақат ер участкаларига, кўчмас мулкларга нисбатан ҳуқуқий му-носабатларни тартибга солиди, шу билан бирга, миллионлаб кўнгилларга хотир-жамлик олиб кирди.

— Уйимни давлатнинг ўзи кадастр қилиб беради деб ҳеч ўйламагандим, — дейди Дилноза Андорова. — Бир кунни туманимиз кадастр ходимлари келиб, еримизни ўлчаб кетди. Уларга ҳеч қандай тўлов қилганимиз йўқ. Орадан анча вақт ўтгандан кейин телефонимга хабар кел-ди. Банкка бориб, белгиланган тўловни амалга оширдим. Ниҳоят неча йиллардан бери орзиқиб кутганим — ўз уйимга бўл-ган эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи расмий кадастр ҳужжатига эга бўлдим. Эндиликда мана шундай энгилликларни яратганлар-ни дуо қилиб, хотиржам, хавотирсиз, фар-зандларим ва невараларим тарбияси билан шугулланяпман.

Ушбу қонун халқимиз ҳуқуқларига нисбатан давлат эътиборининг ёрқин ифо-даси бўлди, десак муболага бўлмайди.

“Юртдошларимиз ўз маҳаллаларида хатлов ишлари қачон бошланишини etirof.kadastr.uz сайти орқали билиб олишлари мумкин. Таъкидлаш керакки, бу турдаги кўчмас мулкни қонунийлаштириш учун қатор мезонлар белгиланган. Жумладан, ер участкаси бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд бўлмаслиги, объект муҳофаза зоналарида ёки суғориладиган ерларда жойлашмаганлиги ва бош режа талабларига зид бўлмаслиги каби бир қатор шартлар белгилаб қўйилган.

Қонуннинг энг асосий ва муҳим аҳамияти — у ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган би-нолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқлар-ни тан олиш ва расмийлаштириш жараё-нини соддалаштиришга қаратилган. Энди фуқаролар ва юридик шахслар учун бир неча идоралар орасида сарсон бўлиш эмас, балки Кадастр агентлигининг ягона ав-томатлаштирилган ахборот тизими орқали қўлай ва тезкор равишда ўз мулкларининг ҳуқуқий ҳолатини расмийлаштириш имко-нияти яратилди.

Ҳар бир хонадон хатловдан ўтказилади

Хатлов жараёнида ер участкалари ва уй-жойлар ҳолати ўрганилиб, ҳуқуқий



ҳужжатлари расмийлаштирилади. Бу фуқароларга мулкларини эркин тасарруф этиш имконини беради. Сотиш, мерос қилиш ёки гаровга қўйишда ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Бу тизимга ваколатли 18 ташкилот ҳам тегишли маълумотлари-ни киритиб боради. Тўпланган ҳужжат-ларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб

ралар аниқ белгиланиши фуқаролар ўрта-сидидаги турли низоларни, баҳсларни йўққа чиқаради. Қўшни ер участкалари билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиб, адолатли тақсимот таъминланади. Шунингдек, мулк-кий қиймат ошади, расмийлаштирилган ер ва уй-жой бозорда юқори баҳоланади. Бу фуқароларга ўз мулкдан юқори даромад олиш имконини яратади.

Ноаниқликлар баргараф этилмоқда

— Яқинда кадастр ходимлари уйимизга келиб, хатлов ўтказди, — дейди Шабнам кўчасида яшовчи Шокир Абдушукуров. — Ушбу ҳовлида 20 йилдан бери яшайман. Кадастр ҳужжатлари ҳам бор. Хатловда уйим 11 сотих чиқди. Ҳужжатда 6 сотих экан. Мен шу вақтгача уйим 12 сотих деб солиқларни тўлаб келаётган эдим. Менга кадастр ходимлари тушунча берди, энди ҳужжатларимни тўғрилаб, ортиқча тўлан-ган солиқларимни ҳисоб-китоб қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз ман-фаатини кўзлаб чиқараётган мана шундай қонунларнинг ташаббускори — Президен-тимизга миннатдорлик билдирмаман.

Қонунга кўра, ижобий хулоса қабул қилинган фуқароларга Кадастр агентлиги томонидан бир мартали тўловни амалга ошириш борасида СМС-хабарнома юбо-рилади. Хабарнома асосида бир марталик тўловни амалга оширилганларга ҳар чоракда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади. Эгалик ҳуқуқининг берилиши натижасида йиллар давомида ҳужжатсиз яшаш сабаб юзага келадиган ноқулайликлар ва хавотирлар ортда қолади. Тўлиқ эгалик ҳуқуқи уй-жой эгаларига ушбу мулкни хоҳлаган пайтда сотиш, яқинларга ҳада қилиш ёки мерос қолдириш имконини беради.

— Олиб бориладиган хатлов ишлари на-тижасида Халқ депутатлари вилоят Кен-гашининг сессияларида бутунги кунга келиб, 316 фуқаронинг уй-жойларига нисбатан мулк ва ижара ҳуқуқлари расман эътироф этилди, — дейди Давлат кадастр-лари палатаси Жиззах вилояти бошқарма-си матбуот хизмати бошлиғи Сайёра Ма-лонова. — Аммо бутунги кунда ижобий хулоса олган 193 фуқарога тўлов бораси-да СМС-хабарнома юборилган бўлса-да, афсуски, тўловлар амалга оширилмапти, натижада ҳуқуқларни эътироф этиш жа-раёни кечикмоқда. Бу эса эгалик ҳуқуқи-ни олиш муддатини чўзмқда ва йиллар давомида ҳужжатсиз яшаш муаммосини давом эттирмоқда. Айрим ҳолатларда эса кадастр ходимлари хатловга бортганда уй-жой эгаларининг хонадонда бўлмаслиги, уйда фақат ёш болалар, аёллар борлиги, баъзи фуқаролар кадастр ходимларини уйга киритмаслиги ўлчов ишлари амалга оширилишини чекламоқда. Сунистеъ-молчилик бўлмаслиги, ҳеч қайси уй эъти-бордан четда қолиб кетмаслиги учун бир маҳаллада хатлов ишларини якунламасдан

бошқа маҳаллага хатловга бориш мумкин эмаслиги белгиланган. Юқоридеги каби ҳолатлар кадастр ходимларининг бир уйга бир неча мартаба боришига, кўп вақт йўқотишига сабаб бўлмоқда. Бир уйга та-корр бориш оқибатида эса тасдиқланган режа-жадвал бўйича кечикишлар юзага келмоқда. Шу боис, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда аҳоли орасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини ҳам олиб бораёмиз.

— Эслатма ўрнида айтиш лозим-ки, фуқаролар Кадастр агентлигининг kadastr.uz сайтига кириб ўз ҳудудда хат-лов ишлари қачон бўлишини билиб олиши мумкин, — дея ўз сўзини давом эттирди С.Мавлонова. — Фойдаланувчилар 3 та ҳа-ракат орқали ўзларига керакли маҳаллани топади. Шу орқали танланган манзилдаги маҳаллалар жадавали келиб чиқади. Агар рўйхатдан изланган маҳалла номи чиқма-са, хавотирга ўрин йўқ. Демак, бу маҳалла 2025 йилдан кейинги босқичда хатловдан ўтказилади. Ҳеч бир маҳалла эътибордан ва хатловдан четда қолиб кетмайди.

Дарҳақиқат, жорий қилинган тизим орқали барча фуқаролар ўз мулкларини осонлик билан расмийлаштириши мум-кин. Шу билан бирга, давлат органлари учун ҳам мулкчилик соҳасидаги ноаниқ-ликларни бағтираф этиш, ер ресурсларини адолатли тақсимлаш ва иқтисодий муно-насабатларни мустаҳкамлаш имконияти яра-тилмоқда.

Мулк ҳуқуқлари эътирофи

Фаргона вилояти Риштон тумани “Амиробод” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Боқижон Теша-



боев отасидан мерос қолган ҳовлида яша-ётганига етмиш йилдан ошди. Бу ҳовлида унинг фарзанд ва набиралари камолга ет-моқда. Аммо уй-жой учун мулккий ҳуқуқи йўқ. Бу уй-жой қуриш, ҳада қилиш, яқин-ларни рўйхатга қўйиш билан боғлиқ маса-лаларда кўплаб муаммоларга сабаб бўлиб келаётганиди.

“Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган би-нолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун мазкур масалалар ечимида ҳуқуқий асос бўлиб қолмоқда.

— Яшаётган хонадонимиз отамнинг номига расмийлаштирилган. Отам эса 15 йил аввал вафот этган. Шу туфайли хонадонимиз ва томорқа ер-мулкимиз-ни қонунийлаштиришда муаммолар туғиларди, — дейди Боқижон ака. — Кадастр ходимлари келиб, ўрганди ва хонадонимизни тўғридан тўғри меннинг номимга расмийлаштиришда ҳамда қи-лиш мумкинлигини тушунтирди. Керак-ли ҳужжатларни тақдим этдик, ҳозир кадастр рўйхатидан ўтказиш ишлари кетяпти. Мазкур қонун бизга ўхшаган кўплаб фуқароларнинг муаммолари-ни ҳал этишда ортиқча оворагарчилик,

қоғозбозликларнинг олдини олиш, узоғимизни яқин қилиш имкониятини берди. Бундан чексиз миннатдоримиз. Бўлмаса, яна қанча йиллар қийналиб яшардик. Эндиликда буларнинг барча-сига ҳуқуқий баҳо берилаётгани аини муддао бўлди.

Мамлакатимизда ердан самарали фойдаланиш, аҳоли манфаатларининг ҳуқуқий қафолатларини таъминлаш ҳамда уй-жойларни расмийлаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оши-рилмоқда. Кадастр агентлиги тасдиқлаган махсус режа-график асосида ҳозир ҳудуд бўйлаб хонадонлар хатловдан ўтказил-моқда. Бу йил Фаргона вилоятидаги 306 та маҳаллада хонадонларни хатловдан ўтка-зиш ва ҳуқуқий ҳужжатлаштириш ишлари белгиланган.

— Жорий йилнинг 1 август кунига-ча вилоятимиздаги 49 минг 293 та кўч-мас мулк объекти хатловдан ўтказилди, — дейди Давлат кадастрлари палатаси Фаргона вилояти бошқармаси бошлиғи Равшан Мирзахмедов. — Уларнинг 35 минг 48 таси “UZKAD” миллий кадастр тизимига киритилган бўлса, 25 минг 593 та объект “Эътироф” автоматлашти-рилган ахборот тизимига юкланди. Ҳо-зир 19 минг 949 та объект бўйича ҳуж-жатлар тегишли идоралар томонидан кўриб чиқилмоқда. Мазкур жараён аҳо-лининг мулккий ҳуқуқларини мустаҳкам-лаш, ер ва биноларни давлат рўйхатидан ўтказишни соддалаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўзига хос мезонлар бор

Юртдошларимиз ўз маҳаллаларида хат-лов ишлари қачон бошланишини etirof.kadastr.uz сайти орқали билиб олишлари мумкин. Таъкидлаш керакки, бу турдаги кўчмас мулкни қонунийлаштириш учун қатор мезонлар белгиланган. Жумладан, ер участкаси бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд бўлмаслиги, ер ва мол-мулк солиғи бў-йича қарздорлик мавжуд эмаслиги, объект муҳофаза зоналарида ёки суғориладиган ерларда жойлашмаганлиги ва бош режа талабларига зид бўлмаслиги каби бир қа-тор шартлар белгилаб қўйилган.

— Мазкур қонун кўпчилик юртдошла-римиз интиқиб кутаётган янгилик бўлди, — дейди Ҳаётжон Жамолов. — Ўзи яшаб турган хонадон эгалари ер участкаси ва қурилган бино ва иншоотларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари йўқлигидан хавотирда юрган бўлса, энди бу муаммолар барҳам топ-моқда. Бу жараён бизнинг ҳудудда бирин-чилардан бўлиб амалга оширилмоқда. Қо-нунийлаштирилган мулк — бу келажакка ишонч, фарзандларимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

— Агар ер участкаси амалдагидан ор-тиқ майдонни эгаллаган бўлса, ортиқча қисми бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатла-рига зид келмаган ҳолда деҳқон хўжали-ги ёки томорқа хўжалиги сифатида эъти-роф этилиши мумкин, — дейди Давлат кадастрлари палатаси Фаргона вилояти бошқармаси жамоатчилик билан алоқа-лар шўъбаси бош мутахассиси Усмонжон



Қодиров. — Ер ва биноларни қонуний-лаштиришда жойлашган ҳудуди (вилоят маркази, шаҳар, бошқа аҳоли пункти ва ҳоказо)га қараб, БХМнинг 1 баробаридан 5 баробаригача микдорда бир марталик тўлов ундирилади. Жойларда бу борада белгилаб бериладиган ҳуқуқий асослар, имти-ёз ва имкониятлар, аҳоли ваколатлари юзасидан кенг қамровли тарғибот ишла-рини олиб бораёмиз.

Сирасини айтганда, мазкур ҳуқуқий ислохотлар аҳолининг манфаатларини таъминлаш, мулккий ҳуқуқларини қону-ний асосда эътироф этиш ва уларнинг турмуш шaroитини яхшилашга қаратил-ган. Уй-жойларни қонунийлаштириш им-кониятини ҳар бир фуқаро учун ўз мулкни расмийлаштириш, тинч ва осуда ҳаёт ке-чириш ҳамда давлат органлари фаоли-тида шаффофлик ва ишончнинг таъминлаш имконини беради. Бу эса нафақат ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга, балки аҳолининг фаровонлигини ошириш, инсон қадрини юксалтириш сари ташланган муҳим қадам-лардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари



Башариёт истиқболига таҳдид солувчи хавф-хатар кўлами кенгайиб бораётган даврда яшамоқдамиз. Қурраи арз киприкдаги ёшдек қалқиб турибди: илкис бир ҳаракатдан ўз меҳваридан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Не-не синовлардан омон чиққан мўйсафид дунё ҳам янги даврнинг алғов-далғовларидан саросимада қолгандек.

Таҳликаю таҳдидларнинг тури, кўриниши бисёр, албатта. Фикр ва қалам аҳлини энг кўп хавотирга солаётгани, шубҳасиз, миллий ўзликка қарши қаратилган таҳдидлардир.



Миллат

ОЙДИНЛАРИ ОВОЗИ

ЗИЁЛИЛАР ҚУРУЛТОЙИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ




Олимжон ДАВЛАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институт директори,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Зиёлилар, бормисиз, омонмисиз?..

Ғарбнинг илм-фан, технологиялар соҳасидаги оламшумул ютуқларини инкор этмаган ҳолда, мутарқақий дунё маънавияти, ахлоқ бобида таназзулга юз тутаяётганини таъкидлашни истардик. Ғарб мутафаккирларининг ўзи ҳам бу ҳолни “Мағриб кўшининг боғи”, деб атамоқда. Тавҳид маърифати, ислом тамаддуни бўлоқларидан сув ичган Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам мисли кўрилмаган маънавий-мафкуравий таҳдидларга рўбарў келмоқда. Моҳир кўзбойлогич, уста морбоз мисоли одамзодни илму ирфондан чалғитаётган, тўғри йўлдан адаштираётган қудратли кучлар, давлатманд қоралонларнинг ният-мақсади аниқ: миллатларни ўзлиги, ахлоқи, маърифатидан мосуво этмоқ! Жавҳаридан махрум миллатларни идора этиш, ҳар кўйга солиш эса чандон осон бўлиши маълум.

Ҳозир бутун дунёда инсонларнинг онгу тафаккурини забот этмоқ учун беаҳс кетмоқда. Зеро, империалистик урушларнинг мазмун-моҳияти ҳам таҳрирга учраган: эски тўнани усталик билан янгисига ўзгартирган неомустабидлар мамлакатларнинг худудини эмас, балки одамларнинг идрок, онгини эгallaшни кўзлаётёр.

Боз устига, экстремизм, терроризм, фундаментализм, “оммавий маданият” ниқоби



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

остидаги ёт ғоялар янада кучайиб, миллий қадриятлар, анъаналар ва турмуш тарзини қалбий таъсир кўрсатмоқда, жамиятда парокандалик ҳавфини юзага келтирмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқларда соат сайин авж олаётган ахборот хуружлари ҳам мувозанатни издан чиқармоқда.

Тарих шохид: эл бошига иш тушган, имтиҳонлар келган паллада ҳамиди миллат ойдинлари кўксини қалқон қилиб чиққан. Чин зиёлилар илму иқод, маънавият маърифат воситасида эл-улус, раиятга рости ёлғондан, оқни қорадан ажратиб кўрсатган, ғаним қаршида қўқув, таҳликага тушмасликка ундаган, бирлик, яқдлликка дъват этган.

хотира ва маънавий меросни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишдаги ўрни беқис.

Бизнингча, “Миллий ўзликни мустаҳкамлаш асослари ҳамда маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши кураш муаммолари” мавзусидаги мамлакат зиёлилар қурултоида шоири-адиллар, санъат намояндлари, маънавият, маърифат ва таълим соҳаси жон-қуярлари, олиму тадқиқотчилар, жумладан, маданиятшунослар, филологлар, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, психологлар, тарихчилар, диний соҳа вакиллари, журналист ва блогерлар, шунингдек, давлат ва жамоат арбоблари қатнашмоғи лозим.

Анжуманининг асосий мақсади — Ўзбекистон зиёлиларини ягона ғоя атрофида бирлаштирган ҳолда миллий ўзликни мустаҳкамлашнинг илмий-назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши самарали кураш механизмларини тақомиллаштириш, бу борада янги ёндашувларни белгилаб олишдан иборат. Қурултойда миллий ўзлик ва глобаллашув; тарихий хотира ва миллий гурур; тил ва миллий ўзлик; адабиёт, санъат ва миллий маънавият; диний эътиқод ва миллий қадриятлар; ахборот технологиялари ва хавфсизлик каби йўналишларда маъруза, муҳокама, мунозаралар ўтказилади.

Машваратта етакчилик қобилиятига эга, ижтимоий фаол аёллар, эркин тафаккур тарзи билан жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган ёшлар, ўз соҳасида мактаб яратган фахрийлар, яъни жамиятнинг турли авлод, турли қатламга мансуб зиёлиларини жалб этиш ғоят муҳим.

Зиёлилар қурултойининг йил — ўн икки ой ўтказиладиган турли илмий-амалий анжуманлардан фарқи нимада? Аввало, қурултой мобайнида миллий ўзликнинг таҳдиди солаётган маънавий-мафкуравий хатарлар илмий асосда тадқиқ ва тасниф этилади ҳамда уларга қарши кураш стратегиялари ишлаб чиқилади. Шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда таҳдидларга қарши маънавий имунитетни шакллантириш йўллари тақлиф этилади. Медиа ва ахборот маконида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш борасида ҳам илмий-амалий ташаббуслар шакллантирилади. Бу борада илгор халқаро тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистон шариоитига мослаштиришга эътибор қаратилади. Пленар мажлис, секция йиғилишлари, давра суҳбатлари, эксперт панеллари, ёш зиёлилар форуми каби форматларда ўтадиган қурултой якунида миллий ўзликни мустаҳкамлаш ва маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши кураш бўйича ягона концептуал ёндашув ишлаб чиқилади. Қисқаси, қурултой мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ташланаётган қатъий қадамларда муҳим аҳамият касб этиб, зиёлиларнинг бу борадаги ўрни ва масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Беллашмоқ эмас, бирлашмоқ замони

Тарих улуг мураббийдир. Олис ва яқин мазий ҳодисаларини таҳлил этсак, ўзаро кураш, ички парокандалик сабаб кўп бора ғанимларга енгилганимизга амин бўламиз. Бугун ҳам Ўзбекистон озод ва обод, маъмур ва манзур давлат барпо этиш борасида тарихий имконга эга бўлиб турибди. Айни пайтда миллий ўзликнинг ва давлатчилигимизга раҳна солувчи таҳдидлар бисёр. “Бириккан куч — куч, бирикмаган куч — пуч”, дейди доно халқимиз. “Кўпнинг кучи — қаромат”, дейди эскилар. Дарҳақиқат, ҳозир халқимиз, хусусан, зиёлиларимиз ўзаро талашиб-тортишадиган эмас, балки бир ёқадан бош чиқарадиган, бир ёқа, бир эн бўладиган замондир.

Президентимиз янги Ўзбекистоннинг тарққхёт пойдеворини яратишда зиёлиларни давлатнинг энг яқин кўмакчиси атаб, уларни юксак фазилатлари билан барчага ўрнак бўлиш, жаҳолатга қарши курашда фаоллик кўрсатишга ундаб келмоқда. Давлатимиз раҳбари Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ҳам зиёлилар олдидида муҳим вазифаларга эътибор қаратиб, “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиш керак”, деган эди.

Назаримизда, маънавий-маърифий жабҳадаги муҳим вазифаларни сарҳисоб қилиш, миллий ўзликни муҳофаза этишга доир мақсад-марраларни белгилаб олиш учун ҳам ўзаро маслаҳат, машваратга қатта эҳтиёж мавжуд. Мамлакат зиёлиларининг қурултойи аини шу эзгу мақсадга хизмат қилса, ажаб эмас.

Мустақиллик — олий неъмат. Истиқлол байрамини ҳар йили ўзида эзгу ғояларни жамлаган шиор билан қутиб оламиз. Бу йил ҳам мустақиллик байрами “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” бош ғояси остида кенг нишонланди.



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ҲИССИ



Азизбек АМОНОВ,
Бухоро давлат университети доценти,
социология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Ватан учун!

Бир донишманд айтган экан: “Ватан бир богдир, содиқ фарзандлари уни ўз юрак қони ила сугормоғи даркор”. Ўзини фарзанд деб билган одам бутун тан-жони билан боғни яшнатиш учун хизмат қилиши керак. Табиатнинг қонунияти ҳамма жойда бир хил бўлгани каби Ватан боғини эҳтиётлаш, яшнатиш мажбурияти ҳам барча мамлакатга ҳосдир.

Ватан — аждодлардан авлодларга қоладиган энг буюк, муқаддас, бебаҳо мерос, энг азиз хотира. Бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакам шаклланиб, ўсиб, камол топадиган замин. Ватан — бу халқнинг шонли ўтмиши, бугуни, келажаги ва у ҳар биримиз учун муқаддас қадрият. Уйимиз остонасидан бошланувчи, инсоннинг киндик қони тўкилган жой, ижтимоий етимликдан асровчи манзил, маънавий камолот, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғи. Буюк Амир Темур бобомиз айтганидек, ғалаба тақдирини, аввало, қўшиннинг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий қудрати ва мустаҳкам иродаси ҳал қилади.

Ер юзида тупроқлар кўп, аммо Ватанининг тупроғи ҳеч қаерда йўқ. Чунки у — она ер тупроғи. Ўз юртидан узокда юрган инсонлар Ватанга келиш бахтидан бебаҳра қолган ва она заминининг бир қафт тупроғига зор бўлган. Ким илоҳини қилиб Ватанга бориш бахтига эришса, мусофир бўлиб юрганлар ўша инсондан қимматбаҳо совға — бир ҳовуч тупроқ олиб келишни сўраган. Сўнг юрт тупроғини кўзига суртиб, ўпиб, тўйиб-тўйиб ҳидлаган. Буларни биз кўрганмиз, эшитганмиз, ўқиганмиз.

Кўп тилга олинadиган “Ватанин севмоқ имондандир” ҳикматиға ёзувчи Тоҳир Малик бундай фикр билдирган: “Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яралган жойи — жаннат. Демак, одамзоднинг асл Ватани — жаннат ва алаоқибат унга қайтади. Яъни айтаётганики, унга факат имон эгалари қайтади. Жаннатни севмоқликнинг маъноси — бу дунёда тўғри, ҳалол яшаб, унга қайтишнинг ҳаракатини кўришдир. Яъни мукамал имонга етишдир. Имон талаблари эса оз эмас. Шулардан бири Ватанга меҳр-муҳаббат қўйишдир.

Агар инсон озод бўлмаса, Ватан ичидан беватан ҳисобланади. Ривоятда келтирилишича, файласуф олиму Машриқдаги бир мамлакатга саёҳат қилибди. Мазкур мамлакат одамлари бағрикенг, дили тоза, нияти пок экан. Табиат ҳам бу хокисор одамларнинг феълига яраша она ерини ҳосилдор, ҳазиналарга бой қилиб яратган экан. Олим бу мамлакатни жаннатга қиёсладди, аммо бир жумбоққа жавоб топа олмабди. Худо бу мамлакатга беҳисоб бойлик берганига қарамай, аҳоли қашшоқ яшаркан. Чунки уларни кўшни мамлакат истило қилиб олган экан. Аҳоли эса “Тақдиримизга ёзилгани шу

экан-да”, деб сабр қилар, озодликка чиқиш ҳақида ўйламас ҳам экан.

Олим юртига қайтаётганда бу мустамлака ўлка аҳлидан бири “Бизнинг юртимиз қандай экан?”, деб сўрабди. “Мен дунё кезиб, сизлардай меҳнаткаш одамларни кўрмадим”, дебди олим. Кейин истехзо билан қўшиб қўйибди: “Бахтли халқ экансизлар. Шундай жаннатмонанд юртда яшаб, ҳақ-ҳуқуқларингизни ўзгаларга бериб қўйибсиз. Сизларнинг бахтингиз шундаки, бахтсиз экангизни билмайсиз”.

Қиссадан ҳисса шуки, биз Яратган назари тушган, еру осмони, табиати ва умуман, бутун борлиғи гўзал бўлган заминимиз мустақиллигини асраш ва унинг барқарорлиги йўлида доим собитқадам бўлишимиз шарт.

Миллат учун!

Миллат — узок давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнда сиёсий ва ижтимоий мақсадлари бир-бирига зид келмайдиган, аниқ худудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминидан таркиб топан ижтимоий бирлик. У кишиларнинг тарихий, умумиқтисодий турмуши, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат 38 миллион киши истиқомат қилади.

Уйда тўй-маърака бўлганида қариндошидан аввал қўшинисини чақирган, бир



коса иссиқ овқатини ҳамсоясига илинадиган халқимиз. Қайси миллат вакили бўлишдан қатъи назар, биз учун ён қўшни — жон қўшни. Бу халқимизнинг қадимий қадрияти. Президентимиз айтганидек, Ўзбекистонимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари кўп. Лекин бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлигимиз бу — ягона, аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли халқимиздир.

Халқимизнинг бағрикенглиги туфайли бир нечта миллат вакилларига бошпана берилди. Бугун кўплаб кўчалар, истироҳат боғлари, муассасалар нафақат ўзбек миллати, балки бошқа миллат ва элатларнинг таниқли вакиллари номи билан аталади. Турли миллат вакиллариининг миллий маданияти янада юксалишига хизмат қилadиган “Маданият уйлари” очилди. Ҳозир 140 дан ортиқ миллий-маданий марказ ва 30 дан зиёд дўстлик жамияти ҳар бир миллат ва элат вакиллариининг тили, маданияти, урф-одатларини сақлаб қолтириш ва ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Умуман, Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари ўзларини эркин ҳис этмоқда. Ўзбеклар билан бирга қўлни қўлга бериб ишламоқда, яшамоқда.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш
УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун буядини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
34830 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмуродов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шарҳисаб кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 21:25 Тошхирилди — 23:25